

Бухорода «Мавлид ҳадялари» улашилди



16:37 / 29.09.2023 852

Мавлиди шариф – рабиъул аввал ойи муносабати билан Вақф хайрия жамоат фонди томонидан юртимиз бўйлаб «Мавлид ҳадялари» хайрия маросимлари ўтказилиб, моддий кўмакка муҳтож, бемор ҳамюртларимизга шунингдек, диний таълим муассасаларида таҳсил олаётган толиби илмларга ҳадялар улашилмоқда.

Бугун, мана шундай тадбирларнинг навбатдагиси, Бухоро вилоятидаги Мир Араб олий мадрасасида ҳам ўтказилди. Вақф фондининг Бухоро вилояти филиали томонидан, ҳомийларни жалб қилган ҳолда мадрасанинг 27 нафар толиби илмларига жами 185 миллион сўм маблағ хайрия сифатида тақдим этилди.

Юртимиздан Ислом маданияти ва илм-фанига улкан ҳисса қўшадиган олимлар яна чиқишини ният қилиб, мазкур хайрияга ҳисса қўшган барча саховатпеша ҳамюртларимизга икки дунё саодатини тилаб қоламиз!